22 (352)
2003 йил 4 июнь
Чоршанба

ХАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ХАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Б.А. Исламовни Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Бахтиёр Анварович Исламов Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.Каримов

Тошкент шаҳри, 2003 йил 3 июн

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Б.А.Исламовга Фавқулодда ва Мухтор Элчи дипломатик мартабасини бериш тўғрисида

Бахтиёр Анварович Исламовга Фавқулодда ва Мухтор Элчи дипломатик мартабаси берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.Каримов

Тошкент шаҳри, 2003 йил 3 июн.

ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ:

155 - кун

2
● Маҳалла ўсмирлари, майдонга марҳамат!
● Яқин ўтмиш ибрати.

3
● Бир қишлоқдан чиққан чемпионлар.
● Эски чопонини қўймайдиган бадавлат бобо.

4
● Эскижува нима учун «Эскижува»?
● Тиланчидан қотилга айланган кимса.

МАҲАЛЛА БОЛАЛАРИ ТЎП СУРМОҚДА, КУРАШ ТУШМОҚДА...

«...Маҳалла болалари футбол жамоалари ўртасидаги мамлакат биринчилиги, ўғил-қизларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлашда, уларнинг спортга бўлган қизиқишини янада кучайтиришда муҳим омил бўлади.»
И.А.Каримов.

Футбол болаларимизнинг севимли ўйини. Улар бўш вақтларида майдонда тўп суришни жуда-жуда ёқтиришади. Қашқадарё вилояти Муборак тумани «Машъал футбол клубига қарашли «Баҳром Вафоев» номли стадион доимо болалар билан гавжум. Футбол-спорт мажмуаси раҳбари Хўжамурод Казаковнинг ҳам жону дили. Шу сабабли Хўжамурод ака ёш спортчилар билан ишлашни хуш кўради.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви томонидан бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда анъанавий тарзда ўтказилаётган «Футболимиз келажаги» маҳалла болалари ўртасида футбол турнири ёшларимизни жисмоний ва маънан етук тарбиялаш борасида муҳим тадбирлардан бирига айланди. Ўтган йилдан бошлаб яна маҳалла ёшлари ўртасида Миллий ва белбоғли кураш бўйича «Маҳалламиз паҳлавонлари» республика мусобақалари ўтказилмоқда. Таъкидлаш мумкинки, ҳар икки спорт тадбири ҳам ёшларимиз ўртасида спортнинг, соғлом турмуш тарзининг оммалашувида, уларда ватанпарварлик, мардлик ва жасорат туйғуларнинг шакиланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Йилдан-йилга бу икки турнирни ўтказишга ҳомийлик қилаётган ташкилотларнинг сони ҳам ортиб бормоқда. Аниқки, «Футболимиз келажаги» ва «Маҳалламиз паҳлавонлари» турнирларининг бу йилги мусобақалари юртимиз мустақиллигининг 12 йиллиги ва Обод маҳалла йилига бағишланади. Яқинда республика Оқсоқоллари кенгаши «Маҳалла» жамғармаси бошқарувида ҳар икки турнирнинг 2003 йилги мавсум ўйинларини ташкиллаштиришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мусобақаларни ташкиллаш ва ўтказиш юзасидан тегишли тадбирлар ҳамда режаларни белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раиси Аъзамжон Гадойбоев сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларига бу тадбирларнинг ўтган йилги якунлари ҳақида маълумот берди ҳамда ташкилотчилар, жойлардаги маҳалла оқсоқоллари ва мутасаддиларини бу йилги мусобақаларга ҳар йилгидан кўпроқ ёшларни жалб этишга чорлади.

«Футболимиз келажаги» турнири ўтказилаётган йиллар мобайнида маҳаллаларимиз ёшлари ўртасида турли қонунбузарликлар содир этиш, турли диний оқимлар таъсирига тушиш ҳолатлари кескин камайгани жуда қувончли ҳолдир.

«Футболимиз келажаги» ва «Маҳалламиз паҳлавонлари» турнирининг бу йилги мусобақаларида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, республика жисмоний тарбия ва спорт, фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмиталари, республика Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, республика Футбол ҳамда Миллий ва Белбоғли кураш федерациялари, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, «Экосан», «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармалари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Кураш институти, «Ўзтелерадио» компанияси, «Фанон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ҳамда «Олимпия» ҳиссадорлик жамиятлари ўзаро ҳамкорлик қиладилар.

Мухбиримиз

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Олий Мажлис Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Сурхондарё вилоятида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси муҳокама қилинди. Мажлисни Қўмита раиси А.Саидов олиб борди.

Вилоятда Қонунни ижро қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари Қ.Мадартовнинг ахбороти эшитилди.

Бугунги кунда вилоятда 5 та шаҳарча, 115 та қишлоқ, 674 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият юритмоқда. Улар қонунда белгиланган ваколатлари асосида муайян ижобий ишларни амалга оширмоқдалар.

Мажлисда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунни ижро қилиш борасида вилоятда амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда хато ва камчиликлар мавжудлиги таъкидланди.

Маҳалла фуқаролари йиғинлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари ички ишлар идоралари билан ҳамкорликда ёшлар билан етарли даражада профилактик ишлар олиб бормаётгани, ишсизлик муаммолари ҳал қилинмаётганлиги таъкидланди.

Мажлисда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Самарқанд вилояти

● Обод маҳалла йили тадбирлари

ҲАР МАҲАЛЛАГА ЎНТАДАН...ҚЎЙ

Пахтачи туманидаги 43 маҳалланинг ҳар бирига «Қарноб ота» ширкат хўжалигидан ўнтадан наслдор совлиқ олиб бериладиган бўлди. Маҳалла йиғинлари бу қўйларни парваришлаб, кўпайтириб ўзларининг иқтисодий аҳволини янада яхшилайдилар.

- Бу тадбир бир тажриба сифатида бажарилаяпти,- дейди вилоят Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимининг раиси Таънаберди Қурбонов. - Биз маҳаллаларимизда биргина қўйчиликни эмас, парандачиликни ҳам ривожлантиришга имкон яратамиз.

- Жорий йилда 12 та маҳалламизда гузар қурмоқчимиз, - дейди «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси раиси Исмат Санаев. - Бу ниш ҳашар йўли билан бажарилсада, маблағ зарур бўлади. Ана шу маблағнинг бирор қисмини қоплашда маҳаллаларимизнинг қўйчиликдаги фаолияти асқотади деб ўйлаймиз.

Тойлоқда «Маҳалла куни»

Самарқанд вилоятининг Тойлоқ туманида ҳафтанинг ҳар чоршанба куни «Маҳалла куни» деб эълон қилинган.

Бу кунда маҳаллалар фаоллари, оқсоқоллар, жамоатчилик вакиллари тўпланишиб, ҳафта давомида бажарилган ишларга якун ясайдилар, истиқболдаги режаларни белгилаб оладилар. Йиғилишда баъзан туман ҳокими Жамшид Ашуров ҳам иштирок этиб, маҳалла аҳли учун ўз амалий ёрдамларини аямаяптилар.

—Жумладан, Наврўз байрамида 6 та маҳалла маркази фойдаланишга топширилди, йил охиригача 33 та маҳалла ўзининг замонавий марказига эга бўлди, - дейди суҳбатда «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмасининг раиси Ҳусниддин Зулфонов.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

● Муносабат

КУТУБХОНАДА "MAHALLA"НИ ИЗЛАДИК

"Mahalla"ни қидиряпмиз", деганимизда "Марҳамат!" дегувчи топилмади Марҳаматнинг маърифат хоналарида...

Мени йўқлаб меҳмон келди. Қўшни Қирғизистон Республикасининг Ўш вилоятидан. У ўз қишлоғи масжидида имомлик қилади.

- Э-э, қандай шамоллар учирди? - дедим, қучоқ очиб.

- "Mahalla"нгиз шамолида, дўстим! Ўзбекистонда Обод маҳалла йили тадбирларидан воқиф бўлай, дедим. Шу газетада шариатимизга оид мақолалар бериб борилармиш, деб эшитдим. Умуман, шарқона ҳаёт тарзи номи билан аталувчи бундай газетани ўқигим келди-да.

Меҳмонимни маҳалла фуқаролар йиғинига таклиф қилдим, кўнмади. Унинг айтишича, чегарадан ўтибоқ туманимиздаги бир-икки маҳалла йиғини идорасига кирган. У қидирган "Фатво" ҳам, "Тавсиянома" ҳам газеталардан қирқиб олиниб деворга махсус осиб қўйилган экан. "Кутубхона, ўқув зали бўлганида эди..." деди дўстим. Шундан сўнг, туманимиздаги тўрт-бешта кутубхоналарда бўлиб, "Mahalla"нинг биронта ҳам сонини топа олмадик. Бугунги шароитда китоб фондини янги китоблар билан тўлдириш қийиндир. Аммо, газета ва журналларга етарлича обуна бўлинса қироатхонанинг ана шу "кемтик"ларини беркитиб кетган бўлмасмиди?! Афсуски, кутубхоналаримизда нафақат "Mahalla"га, балки бошқа нашрларга ҳам обуна умуман йўқ даражада экан.

Масалан, Полвонтош шаҳарчасидаги кутубхона бир коллеж, икки касалхона, тўртта мактаб ва тўртта маҳалла, кўплаб ташкилотларга хизмат кўрсатади. Аммо у ерда ақалли туман ҳокимлигининг "Оқ олтин" газетаси ҳам топилмади.

Шундай қилиб, қўшни мамлакатдан обод маҳаллалар тажрибасини ўрганишга умидвор бўлиб, "Mahalla" газетасини қидириб келишдию, каттагина туманнинг биронта кутубхонасида "Mahalla"ни қидиряпмиз", деганимизда "Марҳамат!" дегувчиси топилмади, афсус. Хуллас, дўстимнинг олдида кўп хижолатга қолдим...

Муҳаммад ҚОДИР.
Андижон вилояти

ТАҲРИРИЯТДАН:

Азиз биродаримиз, Муҳаммад Қодир!

Сиз ҳам тиниб-тинчимаган одамсиз. Ҳамманинг оромини бузиб юрасиз. Обод маҳалла йилида Марҳамат туманидаги кутубхоналарда "Mahalla" газетаси йўқлигини инкор қилиб, бизни бироз уялтирдингиз-да, биродар. Чунки қаердаки, қайси газетанинг обуначиси йўқ бўлса, бу аввало таҳририятнинг ҳам айби-да. Ахир бу кутубхонадагилар газетангиз бизнинг талабимизга жавоб бермайди, деб қолишса нима деймиз.

Аммо яна бир гапингиз бизни бошқачароқ хаёлга чорлади. Бу кутубхоналарда бошқа газеталар ҳам жуда кам дейсиз. Унда биз билан қўшилиб, ушбу кутубхоналар мутасаддилари ҳам хижолат чекишаётган бўлишса не ажаб?!

Аммо сиз азиз жонкуяримизни бир гап билан хушнуд қилайлик: Андижонда, хусусан, Марҳамат туманида ҳар бир маҳаллада "Mahalla" бор. Улар ўз нашрларини севишади. Ҳар ҳолда қўшни мамлакатдан келган дўстингиз буни кўрибди-ку. Ахир қўшни Қозоғистон билан чегарадош, ҳатто йўллари, бозорлари шу мамлакат билан аралашиб кетган Сирдарёда ҳечам уялишмаяпти-ку? Уларнинг қўшни Қозоғистонда, қанчадан қанча қариндошу, дўсти биродарлари кам дейсизми. Вилоятдаги ҳар 7-8 маҳалладан бирига "Mahalla" (шунингдек бошқа нашрлар) боради, холос. Биронтаси "Mahalla"ни сўраб қолса-чи. Балки қўшни мамлакатдан келган қариндошлар темир-терсак олиб кетишдан бўшамаётганмикин.

Бизга жавоб берадилар:
«Тадбиркор гузар қурсаю...»
2003 йил, 14 апрель

ГУЗАР ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА

Мақолада тадбиркор томонидан қурилган гузар фаолият кўрсатмаётганлиги, турли тадбирлар уюштирилмаётганлиги танқид қилинган эди.

Мақолада тилга олинган муаммолар Пистакент маҳалласи фуқаролари йиғинида атрофлича муҳокама этилди. Маҳалладаги гузар фаолияти юзасидан маҳалла аҳли, фаолларининг таклифлари ўрганилди ва уларни ҳисобга олган ҳолда муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар белгиланди. Маҳалла аҳли янги оқсоқол сайлаб олишди. Шунингдек, туман ҳокимининг қарори билан Кўчкак қишлоғида Тол маҳалла фуқаролари йиғини ташкил этилди. Ушбу маҳалла аҳолиси учун барча қулайликларга эга бўлган гузар фаолият кўрсатмоқда.

А.ЭРКАЕВ,
Қашқадарё вилояти ҳокимияти ижтимоий соҳа котибияти мудири.

Азиз муштарий!

Обод маҳалла йилининг иккинчи ярми учун «Mahalla» газетасига обуна бўлишни унутмадингизми?

Билиб қўйинг, «Mahalla»га обуна бўлиш учун ҳеч қачон эрта эмас, ҳеч қачон кеч ҳам эмас.

Обуна-2003

Mahalla



-Яна нима дейди?
-Иккинчи ярим йилликка обуна бошланибди, дейди!
-Биз йиллик обуна бўлганмиз, деб айт!

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида

00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий:
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили:
Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

МАҲАЛЛА ЎСМИРЛАРИ ЎРТАСИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА АНЪАНАВИЙ "ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ" РЕСПУБЛИКА КУБОГИ ТУРНИРИ НИЗОМИ

Турнир ташкилотчилари

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси Республика Бошқаруви, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Футбол Федерацияси, "Ўзтелерадио" компанияси, Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, "Экосан" ҳалқаро жамғармаси, "Соғлом авлод учун" ҳалқаро жамғармаси, "Фонон" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси

Мақсад ва вазифалар

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12-йиллигини муносиб кутиб олиш ҳамда 2003 йил "Обод маҳалла йили" деб эълон қилингани муносабати билан халқимизга қизикарли мусобақани тақдим этиш;

Ўзбекистонда футболни янада оммавийлаштириш ва маҳаллаларда ривожлантириш;

футболни аҳоли ўртасида ва жойларда кенг тарғибот килиш;

ёш болалар ва ўсмирлар ўртасидан иқтидорли футболчиларни танлаб олиш;

"Футболимиз келажаги" кубоги соҳибларини 9 – 10 ёшдаги, 11 - 12 ёшдаги, 13 -14 ёшдаги ҳамда 15 - 16 ёшдаги маҳалла ўсмирлари командалари ўртасида аниқлаш.

Жамоаларни ташкил қыилиш

"Футболимиз келажаги" турнири маҳалла ўсмирлари ичидаги 9 – 10 ёшдаги, 11 - 12 ёшдаги, 13 – 14 ёшдаги ҳамда 15 - 16 ёшдаги болалардан ташкил топган командалар ўртасида ўтказилади.

Маҳаллада ташкил этиладиган тўрт хил ёш тоифадаги футбол командалари ҳар ёшдаги тоифа бўйича битта, иккита ва ундан ортиқ бўлиши мумкин (кўча, кўп қаватли уй ва ҳовли бўлимларида ўз жамоаларини тузишлари мумкин).

Жамоаларни маҳалла оқсоқоли бошчилигида маҳалланинг ёшлар билан ишлаш комиссиялари, жамоатчи спорт йўриқчилари, педагог-тарбиячилар шакллаштирадилар ва мураббийларни белгилайдилар.

Маҳаллада икки ёки ундан ортиқ бир хил ёш тоифадаги командалар ташкил этилган ҳолда мазкур командалар ўзаро беллашадилар ва натижаларига кўра маҳалланинг ушбу тоифадаги битта жамоа турнирнинг маҳаллалараро беллашувида қатнашади.

Мусобақани ташкил қилиш

Мусобақанинг **I-босқичини** маҳаллаларда (маҳалла биринчилиги) маҳалла оқсоқоллари, жамоатчи спорт йўриқчиси, педагог-тарбиячилар ҳамда мураббий раҳбарлигида ва ташкилотчилигида ўтказилади.

II- босқич туман, шаҳарларда (маҳаллалараро, туман, шаҳар биринчилиги) Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Футбол Федерацияси, "Ўзтелерадио" компанияси, Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, "Экосан" халқаро жамғармаси, "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси, "Фонон" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон "Тасвирий ойна" ижодий уюшмасининг жойлардаги (шаҳар, туман) вакиллари раҳбарлигида ташкил қилинади ва ўтказилади.

Мусобақанинг **III - босқичини** ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шахри Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Футбол Федерацияси, "Ўзтелерадио" компанияси, Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, "Экосан" халқаро жамғармаси, "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмасининг бўлимлари вакиллари раҳбарлигида ташкил қилинади ва ўтказилади.

Мусобақанинг **IV – босқичи** Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси Республика бошқаруви, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Футбол Федерацияси, "Ўзтелерадио" компанияси, Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, "Экосан" халқаро жамғармаси, "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси, "Фонон" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Республика "Тасвирий ойна" ижодий уюшмасининг вакиллари раҳбарлигида ташкил қилинади ва ўтказилади.

Ўтказиш вақти ва жойи

9 – 10 ёшдаги болалар ўртасида (1993-1994 йилда туғилган болалар)

Мусобақани 9-10 ёшдаги болалар ўртасида ўтказишда босқичма-босқич усули қўлланилади ва уч босқичда тасдиқланган жадвал асосида ўтказилади.

I – босқич 10 июлгача маҳаллаларда

II – босқич 10 августгача туман, шаҳарларда

III – босқич 25 августгача, ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ўтказилиб, тантанали равишда якунланади.

11-12 ёшдаги болалар ўртасида (1991-1992 йилда туғилган болалар)

Мусобақани 11-12 ёшдаги болалар ўртасида ўтказишда босқичма-босқич усули қўлланилади ва уч босқичда, тасдиқланган жадвал асосида ўтказилади

I - босқич – 15 июнгача маҳаллаларда

II - босқич – 10 июлгача туман, шахарларда

III - босқич – 25 июлгача, ҚҚР вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича финал босқичи

VI - .босқич – 10 – 14 август кунлари 4 – гуруҳга бўлинган ҳолда Республика мусобақалари гуруҳ ўйинлари ўтказилади.

Тўртта гуруҳ ғолиблари **10 – 20 август кунлари Наманган шаҳрида** бўладиган финал мусобақаларига чиқадилар.

13 - 14 ёшдаги болалар ўртасида (1989-1990 йилда туғилган болалар)

Мусобақани 13 - 14 ёшдаги болалар ўртасида ўтказишда босқичма-босқич усули қўлланилади ва тўрт босқичда тасдиқланган жадвал асосида ўтказилади

I - босқич – 15 июнгача маҳаллаларда;

II - босқич – 10 июлгача туман, шаҳарларда;

III - босқич - 25 июлгача Тошкент шаҳри, вилоятлар ва ҚҚР бўйича финал босқичи;

IV – босқич – 21 – 25 август кунлари, 4 - гурухга бўлинган холда Республика мусобақалари гуруҳ ўйинлари ўтказилади.

Тўртта гуруҳ ғолиблари 20 – 30 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўладиган финал мусобақаларига чиқадилар.

15-16 ёшдаги болалар ўртасида (1987-1988 йилда туғилган болалар)

Мусобақани 15 - 16 ёшдаги болалар ўртасида ўтказишда босқичма-босқич усули қўлланилади ва тўрт босқичда, тасдиқланган график асосида ўтказилади

I - босқич – 15 июнгача, маҳаллаларда

II - босқич – 10 - июлгача, туман, шаҳарларда

III - боскич 25 июлгача Тошкент шаҳри, вилоятлар ва ҚҚР бўйича финал босқичи ўтказилади.

IV – босқич – 31 июль – 4 август кунлари, 4 – гуруҳга бўлинган холда Республика мусобақалари гуруҳ ўйинлари ўтказилади.

Тўртта гуруҳ ғолиблари 2 – **10 сентябрь кунлари Бухоро шаҳрида** бўладиган финал мусобақаларига чиқадилар.

Мусобақада қатнашиш ва ўтказиш шартлари

Мусобақада тегишли ёшдаги барча маҳалла футбол жамоалари қатнашиши мумкин.

Мусобақанинг барча босқичларида қатнашиш хуқуқи тиббий кўрикдан ўтган, ёшлари Низомнинг талабларига тўғри келадиган ёш ўсмирларга рухсат берилади.

Республика миқёсидаги, яъни 4 – босқич мусобақасига ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ғолиб жамоаси йўлланма олади.

I – босқич ўйинлари жойлардаги мавжуд (катта ва кичик) футбол майдонларининг имкониятларига мувофиқ ўтказилади. II, III ва IV босқич ўйинлари талабларга жавоб берадиган майдонларда ўтказилади. Ўйинчилар сони асосий таркибда 11 кишини ташкил этиши шарт. Ўйинларнинг давомийлиги: 9 – 10 ёшдагилар учун 20 дақиқа, 11-12 ёшдагилар учун 25 дақиқа, 13-14 ёшдагилар учун 30 дақиқа, 15-16 ёшдагилар учун 35 дақиқа, 2 таймдан иборат бўлади. Таннафус 15 дақиқа.

Мусобақани ўтказишда унинг биринчи босқичидан тўртинчи босқичигача айланма усули қўлланилади. Агарда қатнашувчи жамоаларнинг сони кўпайиб кетса, у ҳолда, ташкилий қўмита қарорига биноан, жамоалар гуруҳларга бўлиниб ўйнайдилар. Шундан кейин гуруҳ ғолиб жамоалари биринчи ўрин учун ўзаро куч синашадилар.

IV - босқичда қатнашувчи жамоалар ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси Республика бошқаруви, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Республика Футбол Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзтелерадио" компанияси, Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, "Экосан" халқаро жамғармаси, "Фонон" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Соғлом авлод учун" ҳалқаро жамғармаси, Республика "Тасвирий ойна" ижоджий уюшмасининг жойлардаги вакиллари раҳбарлигида ташкил қилинади, жамланади ва ўтказилади.

Мусобақага БЎСМ, спорт ва футбол интернатлари, футбол клубларининг тайёрлов гуруҳлари қатнашчиларининг жалб этилиши тақиқланади.

ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ғолиблари ўртасидаги финал босқичида делегациялар таркиби 20 нафар кишидан иборат бўлади. Шундан 18 нафари ўйинчилар, 1 нафари мураббий ва 1 нафари делегация раҳбари иштирок этади.

Республика босқичини ўтказиш тартиби

Мусобақаларнинг Республика даражаси биринчи босқичида 14 та жамоа гуруҳларга (4 гуруҳ) бўлинадилар ва улар айланма тизимига кўра қуръа ташлаш йўли билан ўйнайдилар, ғолиб жамоа финал босқичига йўлланма олади.

А) 11-12 ёшдаги маҳалла болалари командаларининг тўртта гуруҳ ўйинлари 16 – 22 июль кунлари бўлиб ўтади:

Б) Мусобақа ўтказиш жойи:
Бухоро шаҳри
ҚҚР, Навоий, Хоразм, Бухоро вилоятлари гуруҳлари ғолиблари

<u>*В) Мусобақа ўтказиш жойи:*</u>
Самарқанд шаҳри
Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари гуруҳи ғолиблари

<u>*Г) Мусобақа ўтказиш жойи:*</u>
_Сирдарё вилояти
Тошкент шаҳри, Тошкент, Жиззах, Сирдарё вилоятлари гуруҳи ғолиблари

<u>*Д) Мусобақа ўтказиш жойи:*</u>
_Наманган шаҳри
Наманган, Фарғона, Андижон вилоятлари гуруҳлари ғолиблари

Тўртта гуруҳ мусобақаси ғолиблари қуръа ташлаш йўли билан ярим финал жуфтлигига ажратилади. Ярим финалда мағлуб бўлган жамоалар 3-4 ўрин учун беллашадилар.

Мусобақанинг финалида ғалаба қозонган жамоа биринчи ўринни эгаллайди ва "Футболимиз келажаги" Республика кўчма кубогини қўлга киритади.

13-14 ёшдаги маҳалла болалари командаларининг, тўртта гуруҳ ўйинлари 6 – 9 август кунлари бўлиб ўтади:

<u>А) Мусобақа ўтказиш жойи:</u>
Урганч шаҳри
ҚҚР, Навоий, Хоразм, Бухоро вилоятлари гуруҳ ғолиблари

<u>В) Мусобақа ўтказиш жойи:</u>
Қарши шаҳри
Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари гуруҳлари ғолиблари

<u>*Г) Мусобақа ўтказиш жойи:*</u>
_ Тошкент вилояти
Тошкент шаҳри, Тошкент, Жиззах, Сирдарё вилоятлари гуруҳлари ғолиблари

<u>*D) Мусобақа ўтказиш жойи:*</u>
_ Фарғона вилояти
Наманган, Фарғона, Андижон вилоятлар гуруҳлари ғолиблари

Тўртта гуруҳ мусобақа ғолиблари қуръа ташлаш йўли билан ярим финал жуфтлигига ажратилади. Ярим финалда мағлуб бўлган жамоалар 3-4 ўрин учун беллашадилар.

Ярим финал ўйинлари ғолиблари биринчи ўрин ва "Футболимиз келажаги" кўчма кубогини қўлга киритиш учун майдонга чиқадилар.

15-16 ёшдаги маҳалла болалари гуруҳ ўйинлари 24 – 27 июль кунлари бўлиб ўтади:

<u>*А) Мусобақа ўтказиш жойи:*</u>
_ Бухоро шаҳри (16-22 июль кунлари)
ҚҚР, Навоий, Хоразм, Бухоро вилоятлари гуруҳлари ғолиблари

<u>*В) Мусобақа ўтказиш жойи:*</u>
_ Термиз шаҳри
Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари гуруҳлари ғолиблари

<u>*Г) Мусобақа ўтказиш жойи:*</u>
_ Жиззах шаҳри
Тошкент шаҳри, Тошкент, Жиззах, Сирдарё вилоятлар гуруҳлари ғолиблари

<u>D) Мусобақа ўтказиш жойи:</u>
_ Андижон шаҳри.
Наманган, Фарғона, Андижон вилоятлар гуруҳлари ғолиблари

Тўртта гуруҳ ўйин ғолиблари қуръа ташлаш йўли билан ярим финал жуфтлигига ажратилади. Ярим финалда мағлубиятга учраган жамоалар 3-4 ўрин учун баҳс юритишади.Ярим финал ғолиблари финалда 1 – ўрин ва "Футболимиз келажаги" кўчма кубогини қўлга киритиш учун ўзаро куч синашадилар.

Ҳакамлик

Мусобақада ҳакамлик Ўзбекистон Футбол Федерациясининг умумий раҳбарлигида, худудий футбол Федерациялари томонидан амалга оширилади.

Жамоа раҳбарлари, футболчилар ва ҳакамлар мажбурияти

Раҳбариятлар ва футболчилар ушбу амалдаги Низомнинг барча талабларини бажаришлари, юксак тартиб-интизом, ташкилотчилик, рақиблар, ҳакамлар ва томошабинларга ҳурмат намуналарини кўрсатишлари шарт. Жамоа раҳбарлари ҳакамлар фаолиятига аралашиш ҳуқуқига эга эмаслар ва ўз ўйинчиларининг майдонда ҳамда ундан ташқарида бўлган вақтларидаги хатти-ҳаракатларига жавобгардирлар.

Тартиб-интизом чоралари ва норозилик билдириш тартиби

Мусобақа давомидаги ҳар бир босқичда 2 марта огоҳлантирилган ўйинчи кейинги учрашувда майдонга туширилмайди. Майдондан четлатилган ўйинчи эса кейинги учрашувда ўйнамайди ва унинг қолган учрашувларда иштирок этиш-этмаслиги ҳакамлар қўмитаси томонидан кўриб чиқилади.

Ҳар бир босқичдаги огоҳлантиришлар навбатдагиси арафасида бекор қилинади.

Барча келиб чиқадиган муаммоларни Ҳакамлар Кенгаши ва Бош ҳакам ҳал қилиш хуқуқига эгадир.

Ўйинга етиб келмаган жамоага техник мағлубият ёзилади. Жамоаларнинг мусобақага келмай қолиш ҳолатларида қарорни ҳакамлар ҳайъати қабул қилади.

Финал босқичида фақатгина 11 – 12 ёшдаги болаларга юмшоқ спорт пойафзалидан (кроссовка, кеда ва ҳ.) фойдаланилади. 13 – 14, 15 – 16 ёшдаги болаларга бутсида ўйнашга рухсат берилади. Оёқ кийимсиз майдонга чиқиш мумкин эмас.

Турнирнинг қисқа муддатда ўтишини инобатга олган ҳолда, агар жамоалар вакиллари норозилик билдиришмоқчи бўлишса, у ҳолда 24 соат ичида муаммо ҳал қилиниши шарт. Кўрсатилган вақтдан сўнг норозилик қабул қилинмайди. Норозилик билдираётган жамоа вакили ўйин тугагандан сўнг қайдноманинг "Норозилик" бандига норозилик сабабларини ёзиши зарур.

Агарда жамоалар раҳбарияти ва футболчилар томонидан Низомнинг банди бузилса, ташкилий қўмита қарорига асосан у жамоа, қайси босқичда бўлишидан қатъий назар, ўйиндан четлатилади. Ўчрашувни бошқараётган ҳакам қарорига кўра эътироз қабул қилинмайди.

Норозилик қуйидаги ҳолларда билдирилиши мумкин: ўчрашув қайдномасига киритилмаган ўйинчи майдонга тушганида; буюртма варақасида умуман бўлмаганида; дисквалификация қилинган ўйинчи майдонга туширилганида.

Ғолибларни аниқлаш

9-10 ёшдаги, 11 – 12 ёшдаги, 13-14 ёшдаги ва 15-16 ёшдаги маҳалла ўсмирлари ўртасида "Футболимиз келажаги" Кубоги турнирининг I, II, III, IV – босқич мусобақаларда энг кўп очколар жамғарган жамоа ғолиб деб топилади.

Ғалаба учун - 3 очко, дуранг учун - 1 очко, мағлубият учун - 0 очко берилади.

Гуруҳдаги икки ёки ундан ортиқ жамоалар очколари тенг бўлиб қолса, ўринлар ЎФФ футбол бўйича мусобақаларни ўтказиш Низомидаги талабларга кўра аниқланади.

Финал босқичининг ўринларни аниқловчи ўзаро учрашувларда асосий вақтда дуранг натижа қайд этилса, 11 метрлик белгидан 5 тадан жарима тўпи тепилади. Бу сафар ҳам дуранг натижа қайд этилса, жарима тўпини тепиш биринчи хатогача давом эттирилади.

Ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби

"Футболимиз келажаги" кубоги турнирида иштирок этиш истагини билдирган маҳалла командалари махсус "Буюртманома варағини" тўлдириб, туман, шаҳар биринчилигини ўтказувчи ташкилий қўмитага топширади.

Иштирок варақасига 1 нафар делегация раҳбари, 1 нафар мураббий ва 18 футболчи киритилади ва 2 нусхада тўлдирилади.

Иштирок этишга дахлдор ҳужжатлар расмийлаштирилаётганда қуйидагилар тақдим этилади:

- "Буюртнома варағи"да қайд этилган ўйинчиларнинг 18 х 24 ҳажмдаги жамоа расми;

иштирокчилар қоғозлари 1-нусхада (исми, шарифи, отасининг исми, туғилган йили, туғилганлик тўғрисида гувоҳномаларининг асл нусхаси, ўқиш жойи, уй манзили);

- иштирокчиларнинг сурати бўлган иштирок варақаси ва қўшимча варақача ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри спорт қўмитаси, маҳалла оқсоқоли, тиббиёт ходими ва мактаб маъмурияти, маҳалла профилактика инспектори томонидан тасдиқланган бўлиши шарт;

- ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари I, II, III босқичларда мусобақа бошланишидан 2 кун олдин ўтказилиши лозим. IV – босқичда эса мусобақага келадиган кунида мандат комиссияси билан ўтказилади.

Ўйинчининг футболкасида жамоа (маҳалла) рамзи, орқа томонида эса тартиб рақами (1 дан 18 гача) бўлиши лозим ва футболчи ушбу рақам остида ўйин қайдномасига ёзилади. Ушбу ўйинчи мусобақа охиригача бошқа рақам остида ўйинга қўйилмайди. Бир ўйинда 7 ўйинчи алмаштиришга рухсат берилади.

Мукофотлаш ва имтиёзлар

"Футболимиз келажаги" Кубогининг Республика ғолиби Ташкилий қўмитанинг кўчма кубоги билан тақдирланади. 2 – 3 – 4 - ўрин соҳиблари ҳам тегишли Фахрий ёрлиқ ва совғалар билан мукофотланадилар.

"Футболимиз келажаги" Кубогининг Республика ғолиблари тегишли Фахрий ёрлиқ ва совғалар билан мукофотланадилар.

Биринчи ўрин учун бўлган баҳсда қатнашган иқтидорли ёш ўсмирлар имтиёзли равишда спорт мактабларига ва тайёрлаш мактабига тўғридан-тўғри қабул қилинадилар.

ЗАРАРЛИ УРФ-ОДАТДАН ВОЗ КЕЧИШ ҚИЙИНМИ?

Бугун ва ўтмиш муаммоси

Бу муаммони ўтган йили Конституциямизнинг ўн йиллиги тантаналарида Президентимиз Ислом Каримов кўтарган эди. Халқни нотўғри одатлардан келиб чиқаётган беҳуда чиқимлар қийнамоқда: тўйлардаги, маросимлардаги сарф-харажатлар ҳақиқатдан ҳам жуда юқори. Юртбошимизнинг куйинишларидан кейин муайян ишлар олиб борилаётганидан хабаримиз бор. Бироқ бу иш анча қийин кечади. Бунинг учун эса жамият жипслашмоғи лозим экан.

Буни биз илмий тадқиқот жараёнида ўтган аср бошида жадид зиёлиларининг ёзган мақолаларида, амалга оширган ишларида ҳам кўрдик. Ҳожи Муин Шукруллаев собиқ шўро тузумининг қатағонига учраган жадид боболаримиздан биридир.

Ҳожи Муиннинг бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган мақолалари унинг миллатпарвар публицист, заҳматкаш инсон бўлганлигидан далолат беради. Қуйида эътиборингизга ҳавола қилинаётган мақолада Ҳожи Муин ўша даврдаги ва бугун ҳам сақланиб қолган, юқорида таъкидланган энг долзарб муаммони кўтариб чиққан. Умуман, Ҳожи Муин халқнинг айрим урф ва одатларга биноан қиладиган исрофгарчиликлари халқнинг тараққиёти йўлидаги ғовга айланиб қолиши, барча нарсадан муҳим бўлган ёшлар тарбиясининг мана шу урф-одатлар соясида эътиборсиз ҳолда қолдирилиши миллат келажагига нечоғлик салбий таъсир этиши мумкинлигини бошқа мақолаларида ҳам куйиниб ёзган. Ўзингиз ҳам ўқиб кўринг... Ўша давр ва бугунни қиёсланг - бир саволга жавоб беринг: нега зарарли урф-одатлардан воз кечиш бунча қийин бўлаяпти?

Нилуфар НОМОЗОВА,
ЎзДЖТУ аспиранти.

<u>Ҳожи МУИН</u>

ТЎЙ ВА АЗА МАРОСИМИ ҲАҚИДА

Ҳар ернинг авом халқи, ўзи ҳақиқат ва моҳиятини англамағон ҳолда динға нақадар эҳтиром кўзи ила қараса, эскидан қолғон русм ва одатларға ҳам шул нисбатда эҳтиром ва эътибор ила қарайдир. Ҳатто авом халқининг кўбиси диннинг амр ва наҳийларидан юздан бирига амал қилмағон ҳолда, ота-боболаридан қолғон урф ва одатлардан четга чиқмаслиқ учун бор кучи ила тиришадир. Баноғоҳ, бирор ишини урфға мувофиқ суратда қилолмаса, "ёру дўстларим орасинда беобрўй бўлдим", деб қайғурадир ва ўзини нажотсиз санайдир.

Мана биз Туркистон халқи ҳам илмсизлигимиз сабабли турли маросим ва одатлар юки остинда эзилиб, шунинг учун ахлоқий ва молий жиҳатдан ғоят кўб зарарлар кўрмакда бўлғон бир миллатмиз. Бизларни ўзиға асир этиб олғон урфдан энг кўб зарарли ва ёмонроғи хатна, никоҳ тўйлари билан аза маросимидир. Бизнинг халқ "мол ва жон кетса кетсун, обрўй кетмасун", деб хатна ёки никоҳ ва ё аза маросимини ўрунға кетурмак учун, қўлларинда бор нарсаларини 1-2 кунда барбод этадилар, қарздор бўладилар. Қарзларини қайтара олмағач охири "молни одам топар, одамни мол топмас", деб ўз боғ ва ҳовлиларини сотиб, қарзларига берадилар. Шул йўл билан бир ёқдан мол ва мулкларидан айрилиб, дарбадар ва хору зор бўладилар.

Иккинчи ёқдан ҳақиқий обрўларидан айрилиб охиратга сафар эталар.

Биз Туркистон фақир халқи, неча йиллар Руссиянинг золим ва мустабид чорларининг қўли остинда асир бўлиб ҳеч бир жиҳатдан ўз аҳволимизни ислоҳ эта олмадиқ. Эски ҳукуматнинг биринчи мақсади ҳам, ўз қўл остиндаги ғайри рус миллатини жаҳолат ва одати мазаррат(зарар, зиён-Н.Н.) остинда эздуриб, охири руслашдирмоқ эди. Эмди ондай ҳукумат бизнинг бошимизда йўқ. Ҳозирда ҳокимият фақир халқнинг ўз қўлиндадир. Ушбу вақтда Туркистон фақир халқи ўзининг илмий ва ижтимоий ҳолларини на тариқа ихлос ва тараққий этдирмакчи бўлса, ихтиёри ўзиндадир. Ҳеч ким онга моне бўлолмайди. Балки ҳар ким ёрдам берадир. Мана ушбу яхши фурсатни ғанимат билиб, илмий, ижтимоий ҳолларимизни ислоҳ этмак, яъни чин илм ва маорифдан баҳра олмоқ ва ўз орамиздаги ёмон одатларни барҳам бермак барчамизга лозимдир. Биз юқорида ҳам айтдикким, ҳозирда бизнинг устимизда даҳшатли суратда ҳукмфармо бўлғон урф ва одатларнинг энг кўб зарарлироғи хатна, никоҳ тўйлари билан аза маросимидир. Бу маросимнинг баъзи ёмонроғини барҳам бермак ва баъзисини ислоҳ этмак керакдир. Ушбу кунларда Тошкандда, мусулмон шўроси ҳам шул урф ва одатларни ислоҳ этиб бир қарорнома нашр этдиким, маҳаллий ғазиталарда ўқулди. Бизнинг фикримизча, хатна, никоҳ тўйлари билан аза маросимини ушбу равишда ислоҳ этмак тевишдир.

ХАТНА ТЎЙИ

Бизнинг туркистонлилар хатна тўйиға кўб аҳамият бериб, бир кундан 5-6 кунгача тўй қилалар. "Базм", "кўбкари"лар берадар ва бу йўлда минглarча сўмни исроф ва барбод эталар. Ҳолбуки бу одат бизнинг Турондан бошқа ўлкалардаги мусулмонларда йўқдир. Арабистон, Миср, Истанбул, Кафқоз, Татаристон ва Эрон мусулмонлари болаларининг хатнаси учун тўй бермайлар, лоақал бир неча кишини чақириб зиёфат ҳам қилмайлар. Фақат пайғамбар суннатини бажо кетурмак ила иктифо эталар. Бизларнинг ҳам бу тўғрида аларнинг йўллари ила боришимиз керакдир. Хатна учун қанча ақчалар исроф этиб, тўй ва кўбкари бермак ҳожат эмасдир. Ҳатто хатна муносабати ила бола учун янги кўрпа-ёстуқлар ёки турли рангда неча қабат янги кийимлар ҳозирламоқ ортиқчадир. Мундан бошқа мумкин қадар болаларни кичиклик вақтида янги усул билан хатна қилмоқ керакдир.

НИКОҲ ТЎЙИ

Никоҳ тўйинда икки турли ёмон одатимиз борким, алардан бир қисмининг ахлоқий жиҳатдан, иккинчи қисмининг молий жиҳатдан кўб зарари бордир. Мана шул урфу русмларнинг баъзисини бутун барҳам бермак ва баъзисини ислоҳ этмак лозимдир. Никоҳ тўйи зоҳиран бизнинг кўзимизга бир тўй каби кўринса ҳам, лекин ҳақиқатда ўзи беш тўйдир. Чунки, "Нон шикнон" (синдириш-Н.Н.), "Фотиҳа", "Никоҳ", "Рўй бинон"(юз очди-Н.Н.) ва "Домод талбон"(куёв чақирди-Н.Н.)нинг ҳар қаюси бир тўйдирким, буларға мингларча сўм исроф бўладир. Бу тўйлардан "никоҳ" ва "рўй бинон"дан бошқалари ортиқдир. "Нон шиканон"га 3-4 кишидан зиёда одам юбормак ҳожат эмас. Ўшандоқ "никоҳ" ва "рўй бинон" тўйлариға ёру дўст ва қариндошлардан 30-20 дан ортуқ кишиларни чақирмаслиқ керакдир. Баъзи кишиларға тўн кийгизмак, тўйдан нон ва ширавор олиб кетмак барҳам бўлсун.

Хотинларға ҳам олиб кетмаклари учун тузу нон ва киши бошиға бир табақдан ош берилмасун. Никоҳ тўйда куёвдан шоҳи улоғ, ёғ пули ва шунга ўхшаш нарсалар олинмасун. Палар вакил ва шоҳидларға тўн бермак, қизни "вакиллигингни бер" деб қийнамоқ ва йиғлатмоқ, имом хутба ўқимоқ чоғда куёвнинг кийиминдан игна ўтказмоқ, никоҳдан кейин куёвга кийимлар кийгизмоқ, "пойандоз" тутмоқ, қизни ўтга айлантириб, анинг олдинда бир неча ҳаёсиз кишиларға қабиҳ алфозли ашулалар ўқитдириб куёвнинг уйига элтмоқ каби ёмон урф ва расмлар манъ этилсин. Куёв ўз кийимини ўз уйига кийиб келсун. Келинни ароба билан узатмак мувофиқдир. Куёвнинг уйинда келинни олов атрофида айландирмак мажусийлардан қолғон бир одатдиркм, муни барҳам бермак керак. Никоҳ кечаси 20-25 хотун-қизлар ётгон бир уйда куёвнинг келин билан бирга ётмоғи катта айб ва ахлоқсизлиқдуркм, бу одатдан қўл тортмоқ лозимдир. "Рўй бинон" куни куёвнинг ақрабоси бўлғон хотун-қизларнинг келинни ҳадя "дастовиз"лар билан кўрмаклари ва келиннинг аларға "кийити"? номи ила қалпоқ, белбоғ ёки кўйлак-иштон бериши ортиқча таклиф бўлғони учун барҳам бўлсун. "Домод талбон"га куёвнинг ўзи 3-4 киши билан бирга борса кифоя этадур. Чунки тўйдан илгари ҳар бир ийдда қиз тарафиндан куёвга "таги жоға" исмила кийим ва дастурхон тақдим этиш ёки куёв тарафидан қизга шунга ўхшаш нарсалар юбориш ҳожат эмасдир.

Никоҳ тўйиндан илгари қиз ҳам куёв тарафиндан ҳозирланатурғон кийим ва уй асбобларига келганда:

бу тўғрида бизда ортиқча масориф кўбдирким буларни ислоҳ этмак керакдир. Мисол куёвнинг ақчаси ила қиз тарафидан тайёрланатурғон "кашида"ларининг кўбиси бўғча ва сандиқларда чириб ётатурғон кераксиз нарсалардиркм, булардан ёлғуз бир донадан "белбоғ", "жойнамоз", "сўзана", "рўйжо" ва "болин пўш" ҳозирлаб, бошқаларини барҳам бермак лозимдир. Қизга ҳар бир кийимдан 7-8 хил тайёрламоқ керак эмас. Бу тўғрида куёв ўз ҳолиға қараб ишласун. Яъни кучи етса кўброқ, бўлмаса озроқ кийим олиб берсун. Ондай кераксиз нарсалар ўрнида уй ва тирикчиликка керакли асбоблар ҳозирлансун(- мисол: кўрпа, ёстиқ, гилам, таом асбоблари ва шунга ўхшаш зарур нарсалар). Бу тўйларда "базм" қилиб жувонлар ўйнатмоқға йўл берилмай, аммо дутор, танбур ва доира чалмоқ, ашула ўқимоқ мумкин бўлсун. Тўй ҳар вақт бекорлик чоғда, яъни халқ хидматдан бўшаған вақтда бўлсун.

Булардан бошқа яна бир нозук нуқта борким, тўйдан илгари мана шунга диққат этмак тевишдир. Ул нуқта эса қизнинг ризолиғини олмоқдир. Ҳозирда бизнинг мусулмонлар, ёлғуз ўз ихтиёрларинча қизларини куёвга бералар. Ҳатто баъзи виждонсизлар ўз қизларини бойларға сотиб юборалар. Мана шу зулм ва хиёнатларға йўл бермаслик керакдир. Қизни куёвга берилур экан энг аввал бу тўғрида қизнинг ризолиғини билмак керакдир. Қизни ризолиғиндан бошқа куёвга бермак шаръан ва қонунан манъдир. Бу ҳақда ғоят диққат ва эътибор ила ҳаракат этмак керакдир.

ЎЛУК ВА ТАЪЗИЯ МАРОСИМИ

Ўлук ва таъзия тўғрисинда ҳам ёмон урф ва русмларимиз кўбдир. Чунончи, қабр устинда халқға "йиртиш" бермак, қўлға таёқ олиб баланд товуш ила йиғламоқ, ўлукнинг ақрабоси бўлғон хотунларға аза тутмоқ учун кўк ва қора кийимликлар бермак, хотун қизларнинг "гўянда" ва "садр" ила баланд йиғламоқлари, "уч", "етти", "йигирма", "қирқ", "йил" кунларинда халқға ош бермак. Мана ушбу беҳуда одатларнинг барчасини барҳам бермак керакдир. Аммо мазкур кунларда ўлукнинг руҳига хатми қуръон, дуо ва фотиҳа қилмоқдан зарар йўқ. Шунга ҳам 3-4 кишидан зиёд одамларни чақирмаслиқ керакдир. Ўлукнинг энг яқин хотун-қиз ақрабоси, 40 кундан зиёд аза тутмай, 40 кундан сўнг азалиқ кийимини ташласа лозим.

Тўй ва аза хусусинда бизнинг фикримизга келган нарсалар шулардан иборатдир. Бу урф ва одатлар шаҳар халқиға махсус бўлиб, аммо уезд ва саҳро халқининг бу тўғридаги одатлари бошқачадиркм, биз ондан бутун хабардор эмасмиз.

Энди уезд ва шаҳар шўролари ила мусулмон иштирокиюн фирқасиндан ўтинамизким ушбу маросим ва одатнинг ислоҳи хусусинда кенгашлашиб яхши қарорлар чиқарсунлар. Ва ўшал қарорномаларидан бир неча минг босдириб, халқ орасинда тарқатсунлар эди. Шундай қарорномага амал қилмағон тўй ва аза эгалари билан гузар комитетларини масъулиятга тортиб, оларни қаттиқ жазоларға маҳкум этсунлар эди.

"Меҳнаткашлар товуши" газетаси, 1919 йил 22 март.
Араб алифбосидан Н.Намозова табдили

Маҳалла шундай яшайди

САНГЛИК ФУТБОЛСЕВАРЛАР

Сангликлар тўйда дейсизми, маъракада дейсизми, бир-бирига елкадош, меҳр-оқибатли одамлар.

Яқинда Умарали Юсупов хотирасига бағишлаб ўтказилган футбол мусобақаси ҳам байрамга айланиб кетди. Ҳамқишлоқлар касб-ҳунар мактаби ўйингоҳида қозон осдилар. Бир-бирини сийладилар, маҳалласи шарафини ҳимоя қилдилар...

Дастлаб У.Юсупов хотирасига бир дақиқа сукут сақланди. Қишлоқнинг 6 маҳалласидан 7та футбол жамоаси, Мингбулоқ туманидан келган "Гулбоғ" жамоалари қуръа ташлаш йўли билан гуруҳларга бўлинди. Шундан кейин, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Озодбой ака Жумаев етакчилигидаги фахрийлар жамоаси рамзий очилиш ўйинини ўтказдилар.

***

- Дадамиз футболга жуда ишқибоз эдилар, - дейди Иброҳимжон Юсупов, - "Пахтакор"нинг ўйинини канда қилмай кўрардилар. Ғалаба қозонса ичларига сиғмасди. Ютқазиб қўйса, йўл қўйилган хатоларни муҳокама қилишга тушиб кетардилар. Ишқибозмисан ишқибоз эдилар-да. Афсус умрлари қисқа экан. Мана, тўрт йилдирки, хотира турнири ўтказяпмиз. Шу баҳона ҳамқишлоқларимиз спорт билан ошно бўлсалар, стадионда янги-янги дўст орттирсалар, маҳалласи шаъни учун мусобақалашса, албатта бу яхши. Президентимиз ҳам спортни - оила спортини, маҳалла спортини ривожлантиришга алоҳида аҳамият беряптилар. Шундай экан биз ҳам жим турмаслигимиз керак...

***

Уч кун давом этган футбол "сектакли"дан ҳеч ким ранжимади. 90 дақиқа бир-бирига рақиб бўлганлар, яна ошна-оғайни. Юзларида табассум. Ғолибларни қутлаган. Биринчи ўрин Пиллакаш, иккинчи ўрин меҳмонлар - Гулбоғ, учинчи ўрин Ойбек номли маҳалла жамоаларига насиб этди.

Обод маҳалла йилининг уч куни кўҳна Санг қишлоғида ана шундай эсда қоларли ўтди.

Аҳрор МУСУРМОНОВ.
Наманган вилояти, Поп тумани.

«ОЛТИН АСР» МАҲАЛЛА ҚАСРИ

Самарқанд шаҳридаги Темир йўл тумани жамоатчилиги янги очилган маҳалла марказини «Олтин аср» деб номладилар.

Ҳашар йўли билан 8 ой ичида қад рослаган, барча қулайликларга эга бўлган маҳалла марказида Обод маҳалла йили тадбирларини ўтказиш учун ҳамма шароитлар бор. Айниқса маънавият ва маърифат бўлимига ташкилий, сиёсий, оммавий тадбирларни ўтказишида кенг имкониятлар очиб берилди. Самарқанд шаҳри ҳокимлиги маҳалла марказига замонавий компьютер тўпламини совға қилди. Ҳомий ташкилотлар шаҳар автомабилларини газ билан таъминлаш шахобчаси, вилоят гўшт-сут саноати бирлашмаси, Самарқанд кооператив савдо коллежи жамоалари маҳалла марказини қуриш ва уни жиҳозлашга яқиндан кўмаклашдилар.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Маҳалла» мухбири.

● Маҳаллада тантана

МАВҚЕИНИ ТИКЛАГАН МАСКАН

Чўлқуварлар кўрғонида янги маҳалла - Хонтепа ташкил этилганига 10 йил тўлди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанада тарихан қисқа давр мобайнида бу ерда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилгани, у обод, кўркам, намунали маҳаллалардан бирига айлангани мамнуният билан қайд этилди.

Қашқадарё вилояти

Айни пайтда Қарши шаҳридаги бу маҳаллада 611 хонадон, 858 оила 5600 аҳоли истиқомат қилади.

Аввало, маҳалла тарихига бир назар ташлайлик. 1980 йилда асрлар оша деҳқончилик қилиб келинган, чорва боқилган қўриқда механизаторлар қўрғони барпо этишга киришилди. Қарабсизки, 3-4 йил ичида 8-10 сотих ҳовлиси бўлган 1 ва 2 қаватли юзлаб котежлар, мактаб, болалар боғчалари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари, алоқа ташкилотлари, равон йўл ва обод кўчалар барпо этилди. Посёлкада асосан турли шаҳар ва туманлардан кўчиб келган чўлқуварларнинг оилалари жойлашди.

Орадан ўн йилдан кўпроқ вақт ўтди. "Қаршиқурилиш" бирлашмаси тугатилгач, посёлка шаҳар ташкилотлари ихтиёрига ўтказилди. Сир эмас, посёлкага эътибор сусайди, ободончилик ишларига етарли маблағ ажратилмади. Оқибатда газ, сув, электр таъминоти анча издан чиқди, йўл ва кўчалар таъмирталаб бўлиб қолди. Бундай аҳволнинг олдини олишнинг бирдан-бир йўли бу ерда маҳалла ташкил этиш керак, деган қарорга келинди.

Дастлаб муз кўчиши анча мушкул бўлди. На идора, на телефон, на ўтирадиган стол-стуллар бор. Барча ўзини ўзи бошқариш органига ишончсизлик билан қарар, йиғилишларга оддий фуқаролар у ёқда турсин, ҳатто сайлаб қўйилган аъзолар ҳам келишмасди. Аҳоли кундалик эҳтиёжи учун зарур электроэнергия, газнинг 10-15 кунлаб бўлмаслиги, ҳатто кир ювиш учун ярамайдиган шўр сувдан ичимлик сифатида фойдаланилганлиги халқ норозилигига сабаб бўлди.

Маҳалла оқсоқоллари бир неча бор алмаштирилди ва ниҳоят фуқаролар йиғини раислигига раҳбарлик ишларида етарли тажриба орттирган, ишчанлиги, қатъияти билан танилган Файзулла Маманов сайланди. Янги раис вақтни қўлдан бой бермади. Дарҳол муаммолар ечими баён этилган аниқ ва батафсил тадбирлар тузилди. Уларни ижро этувчилар ва бажарилиш муддатлари белгилаб олинди. Тадбирлар шаҳар ҳокимлиги томонидан маъқулланди.

Излаган имкон топади деганларидек, идора учун бино ҳам, таъмирлаш ишлари учун маблағ, замонавий ускунаю анжомлар ҳам топилди, идора телефонлаштирилди. Аста-секин аҳоли каттаю кичик юмушини маҳалласиз ўтказмайдиган бўлиб қолди. Маънавият-маърифат ишлари яхшиланди, хотин-қизлар кенгаши, турли комиссиялар, посбон, кўчабошилар намунали фаолият кўрсата бошлади.

Шифохона, дорихона, маиший хизмат тармоқлари, савдо маркази, гўзаллик салони, халқ банки филиали ишга тушди, алоқа бўлими очилди. "Чўлқувар" савдо марказида кундалик эҳтиёж товарлари доимий равишда сотиладиган бўлди.

Маҳаллани газ, сув, электр қуввати билан таъминлаш анча қийинчилик туғдирди. Лекин вилоят ва шаҳар ҳокимликлари аралашуви ва мадади билан бу соҳадаги муаммолар ҳам ўз ечимини топди.

Эришилган ютуқлардан энг муҳими, маҳалла ўз мавқеини тиклади. Уни барча тан олади-ган бўлди. Бугунги кунда ҳар бир тадбир маҳалла оқсоқоли бошчилигида, унинг фаоллари иштирокида ўтади. Ҳатто маҳалла ҳудудида жойлашган ташкилотлар ҳам ўз тадбирларини маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатисиз ва иштирокисиз ўтказмайдилар. Энг қувончлиси, маҳалла маъмурияти билан фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликнинг кун сайин мустаҳкамланаётганлигидир.

- Фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш ҳамиша диққат марказида турибди, - дейди Ф.Маманов. Кейинги тўрт йил мобайнида 186 нафар ногирон ва ночор оилаларга 1.266 минг сўм миқдорида, биргина ўтган йилда 750 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 56 та кам таъминланган оила хонадонига сув ўлчагичлар ўрнатиш учун сарф бўлган 523600 сўм, шунингдек, бир миллион сўмдан зиёд газ тўловлари қарзи ҳам маҳалла ҳисобидан қопланди. Ночор оилаларга мунтазам равишда ва имкон доирасида гуруч, шакар, ун ва бошқа зарур маҳсулотлар тарқатиб турилибди. Бу борада Ражаб Ҳамроев, Мансур Темиров, Алиқул Арзиқулов, Абдураҳмон Қаххорзода, Амин Каримов, Даврон Жўраев, Сайфулла Хайруллаев каби саховатпеша маҳалладошларимизнинг етим-есир, ногирон, қариялардан ўзларининг моддий ва маънавий ёрдамларини аямаётганликлари ҳар қанча таҳсинга лойиқдир.

Хонтепанинг Обод маҳалла йили дастурида бир қатор диққатга молик юмушларни амалга ошириш режалаштирилган. Жумладан, 800 метр янги қувур тортилиб, сув таъминоти янада яхшиланади. Йўл ва кўчаларни жорий таъмирлаш, теннис корти, болалар ўйингоҳи, стадион қуриш ҳам долзарб масалалар қаторига киритилган. 7 гектар майдонда Култепа хиёбони барпо этилади. Маҳалла билан эски шаҳар йўналиши бўйлаб автобус қатнови йўлга қўйилади. Белгиланган ишларнинг айримлари ҳозирданоқ амалга оширилди. Маҳалланинг 10 йиллиги тантаналари аҳоли дилида ҳам қувонч, ҳам ишонч туйғуларини уйғотди. "Менинг маҳаллам" кўрик-танлови, каратэ бўйича ўтказилган вилоят мусобақаси ғолибларига олтин, кумуш медаллар, қимматбаҳо совғалар топшириш тадбирлари, бир пиёла чой устида ўтказилган давра суҳбати ва катта концерт байрам тантаналарига янада файз киритди.

Қ. ЭГАМБЕРДИЕВ

РАБОТИҚАЛМОҚ ЧЕМПИОНЛАРИ

Бухоро вилояти Бухоро тумани Работиқалмоқ қишлоқ фуқаролар йиғинида 3314 нафар оила бўлиб 15677 нафар аҳоли истиқомат қилади.

Йиғинда 7 та мактаб, 10-сон иқтидорли болалар мактаб интернати, «Болалар ва ўсмирлар» спорт мактаби, шунингдек 8 та спорт майдони, манеж, спорт мажмуаси, 20 дан ортиқ спорт тўгараклари фаолият кўрсатиб, 2400 нафардан ошиқ йигит-қизлар жалб қилинган.

Ҳудудда самбо кураши бўйича 4 нафар жаҳон чемпиони, 2 нафар жаҳон чемпионати совриндори, 3 нафар Осиё чемпионати совриндори, 50 дан ортиқ Ўзбекистон чемпиони ва 45 га яқин спорт усталари етишиб чиққан.

Қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудида Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қарийб ўттиз йилдан бери фаолият кўрсатмоқда. Унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт мураббийси Фатилло Халиқов раҳбарлик қилади.

Айниқса кейинги йилларда спорт мактабини ривожлантириш, уни моддий қўллаб-қувватлаш, спорт жиҳозлари билан таъминлаш, спортчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ишлари Маданият жамоа хўжалиги ва қишлоқ фуқаролар йиғинининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Шунингдек, ҳудудда яшовчи ишбилармон ва тадбиркорлар томонидан спорт мактабига ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиб келинмоқда. Жумладан «Парвина» маъсулияти чекланган жамият раҳбари Ш.Очилов, Андижон дон ва дуккакли дон экинлари Илмий тадқиқот институтининг Бухоро филиали, «Маданият» очиқ турдаги акционерлик жамияти ҳомийлигида кўпгина спорт мусобақалари уюштирилмоқда.

Бухоро вилоятида биринчи бўлиб «Болалар ва Ўсмирлар» спорт мактабида қизлар ўртасида самбо ва миллий кураш тўгараклари ташкил қилиниб, 25 нафар қизлар жалб қилинди.

Ҳудудда қишлоқлараро футбол мусобақалари, мактаблараро футбол, енгил атлетика бўйича мусобақалар ўтказиш анъанага айланган.

1 июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб йиғиндаги саккизта мактаблараро футбол бўйича турнир ўтказилди. Турнир ғолибларига ва мусобақаларда фаол қатнашган ўқувчиларга йиғиннинг махсус совғалари топширилди.

Муҳитдин СОЛИЕВ,
Бухоро тумани Работқалмоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

● Тонгги маассурот

ЗОҲИА ОТА НИМА ДЕЙДИ?

...Бозор-ўчар ишларига тонг-саҳардаёқ бориб келиш ҳар бир ўзбек хонадонига хос одат. Шунданми билмадим, ҳарқалай бозор рўпарасидан жўнаётган автобус энди тонг ёришаётган палла бўлса-да тўрхалтаю рўзғорхалтали одамлар билан тирбанд бўлди.



Автобус ўрнидан жилди ҳамки, елкасидаги қопни базўр ортмоқлаган отахон чиқишга чоғланди. Чиптачи йигит, яна бир йўловчи қопни кўтариб, отахонни уловга миндирдилар. Қария ўзи учун бўшатилган ўриндиққа жойлашиб, анчагача оғир юкдан букчайган қаддини тиклолмай ўтирди. Эгнидаги чопонининг ранги ўчиб, баъзи жойларидан пахтаси «оқиб» турарди. Чиптачи йигит қопни чеккароққа жойладию, отахонга сўз қотди:

- Икки киши зўрға кўтардик-ку қопингизни ота, сизга қойилман-э! Энди қоп учун ҳам кира ҳақи тўлайсизда-а?

- Э, худога шукр ҳали бақувватман болам. Кирангниям тўлайман, хавотир олма! - жавоб берди қария. Кийим-бошидан уни дарҳол танимаган эканман: отахон менинг маҳалладошим, Зоҳид ота эди. У кишининг бу алпозда юришидан ҳайрон бўлдим. Чунки отахон фарзандларидан тинчиган, ҳатто набираларини ҳам уйлаб-жойлаган пиру бадавлат киши эди. Эшигида бир эмас, бир нечта енгил машина турадиган, ўнлаб забардаст набиралари бор кишига шу тахлит қоп орқалаб юриш нега зарур экан? Автобусдаги бошқа йўловчилар ҳам отахонага ачиниш ила қараб турардилар. Бир мўйсафид отахонга ҳамдардлик изҳор эта бошлади:

- Шу-да жигар, бир умр рўзғорга ташмалаб яна қариганда ҳам қоп орқалаб юрамиз. Шу тахлит бир кун узиламиз-қоламиз-да. Бола-чақасидан буюрган инсонни кўрмадим ўзи-эй...

Отахон тенгдошига жилмайиб қаради, пешонасидан қуйилаётган терни чопонининг барига арта-арта вазмин гапирди:

- Умрнинг маънисиям шу-да, биродар. Бола-чақамдан буюрган, худога шукур. Юрган-турганимга шукр қилиб юрибман-да, ношукрчилик сизу бизга ярашмайди!

«Ношукурчилик» деган сўз ёқмади шекилли, суҳбатни бошлаган отахоннинг авзойи ўзгарди:

- Э-э, кўрдим буюрганини! Буюргани шу бўлса? Бола-чақасига иззатли киши сиз билан менга ўхшаб бозорма-бозор юрмайди қоп орқалаб! Шунга ўзимиз ҳам айбдормиз, тарбия жиловини бўш қўйганмиз. Бўйнингизга олаверинг, сиз ҳам мендек болаларига едириб-ичириб, охири ёнига киргувчи бир мард тополмаган, ҳаловат кўрмаган бир бандаи бечорасиз-да! Беркитиб нима қиласиз. Ҳозирги ёшларда оқибат қолмаган!

Уларнинг бу зайлдаги суҳбатини ҳамма йўловчилар диққат билан, ҳатто ўзаро гаплашиб кетаётганлар ҳам суҳбатини тўхтатиб, тинглаб борарди. Сезиб турибман, энди Зоҳид отанинг жаҳли чиқди:

- Э, тоза қизиқ одам экансиз-ку, биродар. Ёнимга кирадиганларим бир эмас, бир нечта. Набираларнинг саҳарги ширин уйқусини бузмай деб, ўзим келавергандим. Бурунги куч-қувватим ҳалиям бор дебман шекилли, бир йўла жўжа-товуқларга ҳам дон олақолгандим. Майли, шу ёшда ҳам болаларимнинг корига яраб, қоп орқалаб юраганимга минг шукр, дардманд бўлишдан ўзи асрасин!

Биров Зоҳид отанинг гапларини бош қимирлатиб маъқулласа, биров «куйиб-пишаётган» иккинчи отахонга хайрихоҳ эди. Бу орада автобус маҳалламизга етиб қолди. Зоҳид ота тушишга чоғланди. У билан тоза тортишган отахон энди бошқаларга ноқобил фарзандларидан нолиб гапирарди. Зоҳид ота унга қараб:

- Биродар, кўпам ношукур бўлмай, ўзингизга ҳам, болаларингизга Аллоҳдан инсоф сўранг, - деди. Бу гапдан иккинчи отахоннинг тоза фиғони чиқди, пайдар-пай бир нималар деди. Фақатгина «увадаси чиққан чопонни кийиб олиб, менга ақл ўргатасанми?» деганини англадим, холос. Бу орада автобус бекатда тўхтаганди. Шу пайт, эшик очилиши биланоқ Зоҳид ота ерга оёқ қўяр-қўймас уни уч-тўрт чоғли ўспирин йигитлар ўраб олдилар. Уларнинг ҳаммаси бараварига отахонга бир нималар дер, уни қўлтиғидан олиб туширмоқчи бўлишарди. Кейин уларнинг иккитаси автобусга чиқиб қопни олиб тушишди. Шунда англадимки, булар Зоҳид отанинг набиралари Шу пайтда уларнинг отахон атрофида парвона бўлаётганларини автобусдагилар, айниқса бояги отахон ҳам кузатиб, «Нега бир ўзингиз кетдингиз, буважон» деган сўзларини эшитиб турарди. Болаларнинг каттаси бувасини ёлғиз бозорга кетиб қолгани учун койирди:

- Нега яна шундай қилдингиз, бува. Машинада борсак ҳам бўларди-ку ахир?! Дадам билсалар...

- Э, шундай юрганимнинг ўзи бир давлат. Менинг ёшимга етсаларинг, даданг ҳам, сенлар ҳам тансиҳатликнинг қадрини тушуниб оласанлар...

Автобус йўлида давом этди. Зоҳид ота сўзлай-сўзлай, қўлларини белига ташлаб кетаверди. Неваралар қопни кўтариб, унга эргашдилар. Йигитларнинг каттаси бувасига етиб олиб, яна гапирди:

- Яна шу эски чопонингизни кийиб олдингизми, бува? Кўрганлар нима дейди ахир?

- Бозор-ўчарга бўлаверади-да болам. Янгини эски асрайди, деган қадимгилар. Кейин олифталик ишёқмасларга ярашади. Ҳа, шундай...

Йигитча яна нимадир деди шекилли, улардан узоқлашар эканман Зоҳид отанинг «Ҳа, энди худо хоҳласа сенинг тўйингда ясаниб юраман, болам» дегани қулоғимга чалинди...

Тонг ёришиб, офтоби жаҳон жамики жонзотни эркалаб уйғотаётган паллада маҳалламизга кириб бордик.

Мавлуда ҚОСИМОВА

Маданият маҳалласи қошида тикув цехи ташкил этилди.

Жиззах шаҳри

● Журналнинг янги сони

МАҲАЛЛАГА БАҒИШЛАНДИ

"Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журналининг навбатдаги сони босмадан чиқди. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этиладиган ушбу илмий-маърифий журналнинг янги сони Обод маҳалла йилига бағишланади.

Журнал Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келтирилган кўламдор иқтибос билан бошланади. Юртбошимиз ўзининг худди шу маърузасида: **"халқимизнинг фикрини, кайфиятини инобатга олиб, бу йилимизнинг ҳам ҳар томонлама хосиятли, файзу баракали бўлишини ният қилар эканмиз, менинг бир таклифим бор: кириб келаётган 2003 йилни "Обод маҳалла йили" деб эълон қилсак", деганди.**

Нашр саҳифаларида Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 7 февралда қабул қилган "Обод маҳалла йили" дастури тўғрисида"ги қарор чоп этилган.

Журналхонларни маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими қонунчилиги ва бу жабҳадаги халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан кенгроқ таништириш учун "Бутун жаҳон ўзини ўзи бошқариш хартияси" ҳамда 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири).

Ўзбекистон Республикаси Д.Туломованинг "2003 йил – қоласида ўзини ўзи бошқазими – маҳалла мустақилбашарий мезонлар даражавожланаётгани, миллатнинг юртимиз тинч-осойишталиги, баркамол, жисмонан бақувват ёш авлоднинг маънан ва руҳан ват бўлиб вояга етишига беқисўз боради.

Журналда, шунингдек, "Маҳалла" хайрия жамғармаси бошқаруви раиси А.Гадойбоевнинг "Обод маҳалла – адолатли, демократик жамият таянчи", таниқли сиёсатшунос М.Қирғизбоевнинг "Ўзини ўзи бошқариш органлари – фуқаролик жамиятининг асоси", "Маҳалла" газетаси бош муҳаррири Ч.Латиповнинг "Маҳалла кўзгуси", юридик фанлар номзоди Р.Турдибоеванинг "Ёшлар ҳуқуқий маданиятини оширишда маҳалланинг ўрни", "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори ўринбосари О.Ота-Мирзаевнинг "Маҳалла – жамоатчилик фикри кўзгусида" каби мақолалари жой олган.

Инглиз тилида эълон қилинган материаллар орасида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, профессор А.Саидов, хорижлик мутахассис Р.Янг, рус тилидаги материаллар ичида профессор З.Арифхонова, германиялик профессор Л.Левитин қаламига мансуб мақолалар маҳалла тизимини талқин этишга турлича йўналишлардан ёндашилгани, демократиянинг мазкур ўзига хос миллий дарсхонаси хилма-хил нуқтаи назарлар, ранг-баранг фикр ва мулоҳазалар негизида теран таҳлил этилгани билан эътиборни тортиши шубҳасиз.

Журналга миллий ўзини ўзи бошқариш тизими ислоҳотида муҳим аҳамият касб этувчи воқеа ва саналар жамланган "Маҳалла – Истиқлол йилларида" солномаси, ички муқовада эса маҳалла тизимига оид адабиётлар рўйхати илова қилинган.

Бундан ташқари, "Сиёсий ислоҳотлар ва давр", "Оммавий ахборот воситалари ва Қонун", "Мозийдан садо", "Инсон ҳуқуқлари кутубхонси" каби доимий рукнларда бир қатор илмий-маърифий, сиёсий, ҳуқуқий ва тарихий мавзулардаги мақолалар, қизиқарли ва кенг қамровли маълумотлар журналхонлар эътиборига ҳавола этилган.

АЁЛ САЛОМАТЛИГИ

Сирғали тумани хотин-қизлар қўмитаси қошида бир неча йилдан бери «Аёл, саломатлик ва экология» номли уюшма фаолият юритиб келади. Уюшманинг асосий фаолияти туман маҳаллаларидаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари, оилавий шифохоналарнинг ҳакимлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда кўчма тиббий кўрикхоналарни ташкил этиш ва аёлларни тиббий кўрикдан ўтказишдир. Бугунги кунгача бундай кўчма кўрикхоналар туманнинг деярли ҳар бир маҳалласида бўлиб ўтди.

1 июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ушбу уюшма туман хотин-қизлар кенгаши, Қизил ярим ой жамияти, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари туман бўлинмалари билан ҳамкорликда туманнинг 1-тутриқхона мажмуасида амалий-семинар ўтказди. Унда туман жамоатчилиги, маҳаллалардан таклиф этилган кўп фарзандли оналар, уй бекалари, оилавий шифохоналар ҳакимлари иштирок этдилар.

- Бугунги амалий-семинаримиз болалар саломатлигини мустаҳкамлаш масалалари, бу ўринда турли муаммолар ечимини излашга бағишланди, - дейди уюшма раиси, ушбу тутриқхона мутасаддиси Маҳмуда Шукурова. - Бунинг учун эса аввало оналарнинг, айниқса туғиш ёшидаги аёлларнинг соғлом бўлишларига эришиш, керак бўлса буни қаттиқ назоратга олиш жуда муҳимдир.

Муҳбиримиз

● Ёрдамчи хўжалик

Сурхондарё вилояти

Мустақиллик иншоотларидан бири Шеробод, Қизириқ, Музработ, Ангор туманлари оралиғида, халқаро автомобил йўлининг шундоққина ёнида қад кўтарди. Тўрт ярим гектарли майдонни ўз ичига олган карвонсарой Музработ туманидаги Холмурод Жўраев номли маҳалланинг ҳам обод гўшасига айланди.

Бироқ у дастлабки раҳбарга ёлчимай қолганлигидан объект қурилиши ташаббускори вилоят нефт маҳсулотлари таъминоти бирлашмасига фойда ўрнига зарар келтирди. Корхона хизматидан мижозлар ранжиди. Натижада улар сони камайди. Ҳатто ҳеч ким кирмаган кунлар кўп бўлди. Корхона дарвозаси бир муддат ёпиб ҳам қўйилди.

2001 йилнинг июнь ойида ишбилармон ва тадбиркор йигит Амир Эргашев карвонсаройга раҳбар этиб тайинлангач, ишда ижобий ўзгаришлар юз берди. Чет эллик меҳмонларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш юксак даражада ташкил этилди.

Автомобилларга сервиз хизмати кўрсатишга бой тажриба ва малакага эга бўлган усталар жалб этилди. Бош муҳандис Комил Тожиев бажарилаётган ишни қаътий назорат остига олди. Бахтиёр Намозов бошчилик қилаётган автомабилларга ёқилғи қуйиш шоҳобчасининг етти кишилик жамоаси ҳам кеча-кундуз мижозлар хизматига тайёр туришди. Қирқ ўринга мўлжалланган меҳмонхона ходимлари бу ерга ташриф буюрган одамларни очиқ чеҳра билан қарши олишди. Меҳмонхона яшаш учун барча қулайликка эга.

А.Эргашев корхонани ривожлантириш имкониятларини қидирди, қўшимча даромад келтириш чораларини кўрди. Ана шу мақсадда тикув-бичувчиликни йўлга қўйди. Ўн битта тикув машинаси ўрнатди. Гулҳаё Самадова, Ҳанифа Раҳмонова, Раъно Раҳмонова, Ўғилой Хидирова сингари қўлигул, чаққон аёллардан ўн беш нафарини ишга олиб, уларга барча шарт-шароитни яратиб берди. Эндиликда улар тайёрлаётган коржомалар, қўлқоплар, кўрпа-ёстиқ жилдлари, эшик-дераза пардаларининг бозори чаққон.

Корхона ҳузурида қурилиш участкаси ҳам ташкил этилди. Ишчиларнинг сони йигирма нафар. Улар турли касб эгалари; гишт терувчи, пайвандчи, дурадгор, сувоқчи... Муҳандис-қурувчи Карим Алламуродов уларга бошчи.

Ҳозир қурувчилар вилоятдаги нефт маҳсулотлари корхоналарида таъмирлаш ишларини амалга оширишяпти. Шартномалар тузилган. Иш суръати ва сифатидан буюртмачилар хурсанд. Ўтган йилги кўрсаткич ўн миллион сўмни ташкил этган. Бунёдкорлар жорий йилда йигирма беш миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширишни режалаб қўйганлар.

-Ёрдамчи тармоқ-кони фойда,-дейди биз билан суҳбатда карвонсарой раҳбари, - амалда бунинг исботини кўряпмиз. Шу топширилади. Демак, тайёрланадиган таомлар баҳоси ҳам арзон бўлади.

Суҳбатга Холмурод Жўраев номли маҳалла оқсоқоли Абдуҳамид Биноев қўшилди.

- Раисдан миннатдормиз, - сарф-харажат қилди.

Ҳа, даромадга яраша буромад, дейдилар. Корхона бош мухосиби Холмуҳаммад Холмўминовнинг бизга тақдим этган маълумотига кўра ўтган йилги сарҳисоблар қувончли, рақамлар залворли. Товар айланма режаси 112 миллион сўмга бажарилган. Унинг 71 миллион сўми автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси чекига тўғри келади. Тикув-бичув тармоғидан 30 миллион сўм даромад олинган. Меҳмонхонадан келган даромад эса бир миллион сўмга етган. Бундан ишчилар ҳам манфаатдор. Уларнинг ўртача маоши 25 минг сўмдан ошмоқда. Корхона даромадидан қарийб 1,5 милл. сўми одамларни рағбатлантиришга, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишга, ободончилик ишларини амалга оширишга сарфланди. Беш миллион сўмлик маблағ эса корхонани янада ривожлантиришга ажратилди. Меҳнатдан келса бойлик-турмуш бўлур чиройлик, деб шунга айтадилар-да.

Омон ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Истеъмолнинг розилиги билан сотувчи нуқсонли товарни бошқа турдаги шундай товарга алмаштириб бериб, харид нархини тегишлича қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги

ҚОНУНИДАН

● Тарихдан тариқдай

Тошкент мухим географик ўринда - Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан савдо-сотиқ йўлида жойлашганлиги сабабли бу ерда тинимсиз савдо карвонлари келиб-кетиб турган. Шаҳарнинг барча дарвозаларидан йўллар Эски жува бозорига келиб тақалган.

1813 йилда Тошкентда бўлган элчи Филип Назаров шаҳарни турли мамлакатлардан узлуксиз карвонлар келиб кетадиган савдо пункти деб таърифлайди. Тошкентни истило қилишда қатнашган рассом В.Верешчагиннинг эътирофича, савдо масаласида Тошкентнинг рақиби бўлмаган.

XIX асрнинг охирларида Россия ва бошқа Европа савдогарларининг Тошкент бозорига интилиши натижасида Эскижува бозори янада гавжумлашди. Натижада турли савдо фирмалари бу бозорда магазинларини қурдилар. Жумладан Россия тўқимачилик фабрикасининг эгаси Савва Морозовга қарашли контора (ҳозирги табиат музейининг биноси), савдогар Яушевларнинг Махсидўзлик кўчасидаги маҳаллий фирмаси ва улар билан иш олиб борган Эмил Циндельнинг газлама фирмасига қарашли конторалари учун қурилган биноси. Бино кейинчалик халқ орасида "Синдел дом" номи билан шуҳрат топган. 1928 йилда "Синдел" фирмаси жойлашган бино ҳозирги "Ёш тамошобинлар театри" ни ташкил қилиш учун берилган. Шунингдек, Эскижува бозори ҳудудида Граховский, Никифоров, Захо, Ю.Давидов ва Шамси Асадулла ўғилларининг турли маҳсулотлар билан савдо қилувчи магазинлари ўз ишларини бошлайди.

ТОШКЕНТ БОЗОРЛАРИ

уларнинг номлари қандай мазмунда?

Эски жува

Эски жува бозори даврига қараб турли номлар билан юритилган. Булар: Регистон, Қўшбозори, Чорсу, Эскижува, Пастбозор ва Октябр бозори. Қуйида ана шу Эскижува бозорининг турли даврлардаги номларини изоҳлашга ҳаракат қиламиз:

РЕГИСТОН (форс тили) -туркийда қумлоқ. Номига кўра бу ном бозорнинг дастлабки номи. Чунки Ўрта Осиёда одатда бозорлар унумсиз қумлоқ ва тошлоқ жойларда ташкил қилинган. Лабзак ёки Жангоб ариғининг ҳозирги бозор марказидан ўтадиган жойлари пастлик ва тошлоқ жойлар бўлган. Шунингдек, Ўрта Шарқ шаҳарларидаги майдон Регистон деб юритилган.

ЧОРСУ. Дастлаб Бешёғоч даҳасининг маҳаллаларидан бири бўлган. Маҳалла сифатида XI асрда вужудга келган. Тиканли мозор, Чуқурқишлоқ маҳаллалари ва Регистон бозори билан чегарадош бўлган. Унга шаҳарнинг асосий дарвозаларидан йўллар келиб туташган. (Самарқанд йўли, Бешёғоч кўчаси кабилар). Ўрта аср Шарқ шаҳарларида икки йирик кўча кесишган жой "Чорсу" дейилган. Одатда бундай жойларда савдо расталари, ҳунармандларнинг дўконлари бўлган. Табиийки, бозор билан чегарадош бўлган бу маҳалла ўз-ўзидан Регистон бозорига қўшилиб кетган. Қадимий манбааларда човурсук (тўрт томонлама), чорсук, чорбозор кўринишларда учрайди. "Сук" сўзи арабчада бозор маъносини англатади. Кейинчалик оғзаки сўзлашувда «чорсу» шаклини олган.

ЭСКИ ЖУВА - Себзор даҳасининг қадимий маҳаллаларидан бири бўлган. Табиийки, вақтлар ўтиб бу қадимий маҳалла ҳам марказий бозорнинг бир қисми ва кейинчалик бозорнинг асосини ташкил қилиб, Эскижува номи билан атала бошлаган.

Қадимшунос олима В.А.Булатова, таниқли олима О.Смирнова асарларидан бирида эски сўзи сўғд тилида баланд деган маънони билдиришини учратиб қолганини ва бу термин қадимий Тошкентга жуда мос деган хулосага келиб, Эскижува - баланд бозор дегани дейди. Ва исботи тариқасида "Тошкент 7 сой ва 7 тепаликда қад кўтарган" -деган афсонани келтириб, қадимда ҳозирги Эскижува майдони, Гулистон ресторани ва типография жойлашган ҳудудлар бозор бўлган - дейди. Тарихий манбааларда жуба сўзи учраб, у бозор маъносини англатган. Географ олим, профессор Х.Ҳасанов "Эскижува бу маҳалла номи. Қадимда бу жойда ҳарбий аслаҳалар сақланадиган жибахона (омборхона) бўлганлигидан маҳалла номи жибахона, оғзаки сўзлашувда жувахона бўлиб келган, жиба ҳозирги тилимизда совут деган маънони билдиради"-деган эди. Ҳақиқатдан ҳам тарихий манбаларда маҳалла номи Жувахона тарзида ҳам учрайди.

ПАСТБОЗОР. А.Иброҳимов матбуот саҳифаларидан бирида чиққан бир мақоласида - бозорни халқимиз ҳозирги кунда ҳам Паст бозор деб атайди, сабаби бозор пастликка жойлашган- дейди. Қадим туркий тилимизда сувлоқ пастлик ерни Чоч деб аташган, шаҳарнинг Чоч деган номи ана шу ҳолатдан келиб чиққан- деб ёзади. Ҳозирги кунда ҳам асосий қисми пастликда, аммо Чоч номи назаримизда мунозарилироқ.

Қўшбозор

Қадимшунос олимларнинг тадқиқотларига кўра Бинкат номи билан юритилган Тошкентнинг Зарқайнар, Қаландархона, (Хадра ва Чорсу оралиғидаги ҳозирги Алишер Навоий шоҳкўчаси), Чорсу, Гулбозор кўчалари ва собиқ "Спартак" стадиони (ҳозирги Келес автостанцияси) оралиғидаги жойда шаҳарнинг асосий маркази - Шаҳристон қад кўтара бошлади. (Жомеъ масжиди 1451 йил, Хўжа Ахрор мадрасаси ва Кўкалдош мадрасалари ҳам Шаҳристон ҳудудида бўлган). Тарихда Шаҳристоннинг Абулаббос, Жўнай ва Кеш номли дарвозалари бўлганлиги маълум. Шахристонда устахоналар жойлашиб, Регистон бозори билан параллел равишда савдо-сотиқ ишларини давом эттира бошлайди. Мазкур икки бозор қўшилиб, бир қанча муддат Қўшбозор номи билан атала бошлаган.

Октябр бозори

Шўролар даврида бозорнинг қоқ ўртасида ресторан қурилиб, Октябр номи билан аталди. Сўнг Эскижувада Калинин ҳайкали ўрнатилиб майдон номи Калинин бўлди. Хуллас бозор номи ҳам Октябр бозори деб атала бошлади. Аммо 70 йил давомида бу янги ном халқимиз онгига сингмади. Барибир Чорсу, Эскижува номида аталиб келинаверди.

Яқин ўтмишда Эскижува бозоридан ташқари Тошкентда яна бир қанча бозорлар бўлган: мол бозор, Қаймоқ бозор, Олой бозор, Пиён-бозор кабилар. Шулардан айримлари ҳақида қисқароқ қилиб маълумот беришга ҳаракат қиламиз.

Пиён бозор

1866 йилда ҳозирги А.Навоий театри ўрнида янги бозор очилиб, у Воскресенский деган ном билан атала бошлади. Савдонинг асосий қисмини спиртли ичимликлар ташкил қилган. Шаҳардаги 46 қовоқхонадан 24 таси шу ерда жойлашган эди. Шунинг учун халқимиз бозорга Пиёнбозор деб ном берган эди. Бозор ўтган асрнинг 40-йилларигача мавжуд бўлган. Кейинчалик А.Навоий театрининг қурилиши муносабати билан 1947 йилдан Театр майдони номи билан атала бошлади.

Олой бозори

Дастлаб бир неча йиллар давомида норасмий кичик чакана бозорча сифатида чорва, деҳқончилик ва боғдорчилик маҳсулотлари билан савдо қилиниб турилган жой. 1928 йилдан Олой бозори номи билан расмий равишда бозорга асос солинган ва мустақиллик йилларида замонавий бозор сифатида қайта қурилган.

Айрим қадимшуносларнинг фикрича, XIX асрнинг 80 йилларида Ўрта Осиё аёлларидан биринчи бўлиб "додхо" унвонига сазовор бўлган ва "Олой маликаси" номи билан машҳур бўлган, Олой вилоятининг ҳокими Қурбонжон додхо ўз ўғиллари билан мустақилликка эришиш мақсадида "Пўлатхон" қўзғолони иштирокчилари томонига ўтади. 1876 йил 25 апрелда М.Д.Скобелов қўшинлари билан бўлган жангда унга қақшатқич зарба берган, бироқ кейинчалик хоинлик натижасида мағлубиятга учраган. Одамларнинг айримлари асирга тушган, айримлари турли томонларга қочишга мажбур бўлган. Шуларнинг бир қисми ҳозирги Олой бозори ҳудудига яқин жойдан манзил топган ва савдо-сотиқ билан шуғулланишган. Бозорнинг Олой деб номланиши шундан деган тахминлар бор.

Айрим ҳаваскор атамашуносларнинг матбуот саҳифаларида ёзишларига қараганда, Олой сўзи алой иборасидан келиб чиққан бўлиб, бир вақтлар бу ерда алой ўсимлиги билан савдо қилишган. Шу сабаб Олой бозори, яъни Алайский рынок бўлиб кетган деган фикрни билдирадилар.

Қаймоқ бозор

Эскижува бозоридан кейин энг катта бозор ҳисобланган. Тошкент ҳокими Юнусхўжа ҳукмронлиги даврида қурилган ва 1810 йилда Қўқон хони босқини даврида вайронага айлантирилган "Кичик ўрда" деб номланувчи ўрда вайроналари тепалиги ўрнида бўлган. Асосий савдоси чорва маҳсулотлари бўлган. Бозорнинг Қаймоқ бозори деб аталиши шундан.

А.МУҲАММАДКАРИМОВ,
Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг раиси.

МУНАЖЖИМЛАР МАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Шу кунларда тавакалчилик қила кўрманг, бундан нафақат ўзингиз балки бошқалар ҳам зарар кўришлари мумкин.

СИГИР(22.0420.05)

Шу кунларда ота-онангиз ва фарзандларингиз билан боғлиқ муаммолар оғушида бўласиз, жуда толиқишингиз ҳам турган гап.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Айни пайтда моддий жиҳатдан ночор аҳволда қолишингиз эҳтимолдан холи эмас, лекин бунга айбдор фақат ўзингиз.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)

Шошқалоқлик оқибатида қилган хатоингиз сизга кўп талофатлар келтириши, ҳаттоки обрўсизлантириши мумкин.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Таътиллар палласи бошланиши муносабати билан дам олиш ҳақида қайғурсангиз ёмон бўлмасди.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Шу кунларда нималарга эътиборли бўлиш кераклигини атрофингиздагиларнинг маслаҳатига таянган ҳолда ҳал қилинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Келаси чоршанбагача ҳеч кимга қарз бермай турсангиз, айни муддао. Меҳмондорчиликка бориш имконидан яхши фойдаланинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Оилавий можаролар айни кунларда авжга чиқиши мумкин. Ҳадеб ён беравермасдан, ўрни келганда қатъий қарорингизни ҳам билдиринг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Ёзда бажаришни режалаштирган юмушлар четда қолиб кетилмаганда пайдо бўлган муаммоларни ҳал этишга киришасиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Шу кунларда сизга соғлиғингиз панд бериши мумкин. Бу ҳақда жилдийроқ ўйланг, ўз вақтида даволаниш кейинги фаолиятингиз учун муҳим.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Анчадан бери кўришмаган дўстингиз жуда фойдали кўринган ишни таклиф қилади. Рози бўлишдан олдин масаланинг ҳуқуқий жиҳатларини текширинг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Сиздан меҳрибончилик кўрган кишилар ўз миннатдорчиликларини ўзига хос тарзда изҳор этадилар. Бундан ранжиш эмас, хурсанд бўлишингиз керак.

● Ўзбекнинг гапи

«ЁМОН БЎЛАДИ»ДА НИМА БЎЛАДИ?

Бола эдим... От қилиб миниб юрган хивчинимни ерга ура бошлаганимни биламан, энам бақирдилар:

-Ерни урма, болам, ёмон бўлади!

Бувам ҳам кўзойнагини пешонасига кўтариб менга қаради:

-Ҳа-ҳа болам, ёмон бўлади? Ерни урмайдилар, тепмайдилар. -Қанақа «ёмон» бўлади? Нима бўлади?

Болаларча хархаша билан, қанча эзмаланиб сўрамайин, жавоби барибир битта:

-Ёмон бўлади-да, болам!

Бугун эса фарзандларимизга қон-қонимизга сингиб кетган ўша сўзларни ўзимиз айтяпмиз:

-Сувга тупирма, ёмон бўлади!..

Ўша «ёмон» нима ўзи?! Ҳали-ҳануз ҳеч кимдан изоҳ эшитмаганмиз ва табиийки, ўзимиз ҳам болаларимизга тузук изоҳлаб беролмаймиз.

Ваҳоланки,Аллоҳнинг муқаддас каломи-Қуръонда буларнинг аксариятига изоҳ бор. Нафсиламбирини айтганда, ёмон бўлишлик хусусидаги танбеҳларда аждодларимизнинг доноларча ўгитлари мавжуд. Масалан, юқоридаги мисолнинг бирини изоҳлашга ҳаракат қилиб кўрайлик. Ерни нега урмаслик ёки тепмаслик (ер тепинмаслик) керак? Маълумки, ҳазрати Одам тупроқдан яратилган ва охир оқибат яна тупроққа қайттуси. Демак ер тепинмоқ ўзини-ўзи ҳақоратлаш билан тенг. Ерни онадай улуғ кўрилиши-Она ер деб аталиши ҳам бежиз эмас.

Шундай экан, ўйлаб кўринг: Эркак кишининг оёғи устидан ҳатлаб ўтмайдилар, нега? Аёл киши эркакнинг йўлидан кесиб ўтмайди, нима сабабдан? Сўзлашаётган икки аёл ўртасидан ўтилмайди. Қиз бола ўғил болани тепмайди. Ота ўз қизини урмайди. Остонада ўтирмайдилар, кўришмайдилар. Қозон-товоқни ювуқсиз қолдирмайдилар...

Бундай мисолларни ўзингиз ҳам кўплаб келтиришингиз мумкин. Яна шуни таъкидлаш жоизки, ирим-сиримлар ҳам кўпинча «ёмон бўлади!» билан изоҳланиб қўя қолинади. Ваҳоланки, иримларда кўпинча аниқ изоҳ-сабаб мавжуд бўлмайди. Ана шу сабаблардан яхши бохабар бўла олмаслик оқибатида кишилар лўнда қилиб «ёмон бўлишлиги»ни айтиб қутилиб қўя қоладилар.

Нима бўлганида ҳам халқ удумлари, урф-одатлари билан хурофий ирим-сиримлар фарқига етмоқ керак.

М.ОТАХОНОВ

Тошкент шаҳри

Оромгоҳга бепул йўлланма

"Тошшаҳарйўловчитранс" Давлат уюшмаси тасаруфидаги 8-автосарой билан Дўстлик маҳалласи ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган.Маҳаллада истиқомат қилувчи моҳир ҳайдовчилардан айримлари шу автокорхонада меҳнат фаолиятини давом эттирмоқдалар.

Яқинда корхона бир хайрли ишга қўл урди. Кўп болали ва кам таъминланган оилалаларга моддий ёрдам кўрсатиш тадбирлари кўрилди.Шу маҳалланинг 10 нафар ўқувчиси эса ёзги таътилни "Автомабилчи" оромгоҳида ўтказадиган бўлди. Бунинг учун сарой касаба уюшмаси уларга бепул йўлланма ажратди.

Акбар АЛИЕВ.

● Қилмиш - қидирмиш

ҒАДОНИНГ ДУШМАНИ - ҒАДО БЎЛАДИ...

Дунёда шундай воқеа-ҳодисаларга дуч келасанки, улар етти ухлаб тушингга кирмаган бўлади.

Валентин Тузиков асли Олтой ўлкасида туғилиб ўсган. Роппароса саккиз марта судланган, 62 йиллик умрининг 32 йилини панжара ортида ўтказган. Темир Холмуродов эса Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳридан. У ҳам бир неча бор судланган, умрида зиғирча ҳам фойдали иш қилмаган. Бу икки тенгдош ва "касбдош" тақдир тақозоси билан кейинги йилларда Қашқаларёда, аниқроғи Қарши шаҳрида макон қуришди. "Сайлгоҳ" иншооти ертўласини ўзларига макон қилишди.

"Деҳқон бозори" ҳамиша одамлар билан гавжум. Шу боис бу ер йўловчилардан пул сўраш учун бир қадар қулай. Лекин иккисининг суви асло тинмайди, "оталаридан қолган молни сира бўлиша олмайди". Ҳали уни, ҳали буни баҳона қилиб жиққа мушт бўлишади.

Бу сафарги келишмовчилик жой устидан чиқди. Темир Холмуродов Валентиннинг талабларига кўнмагач, у шеригининг ўзинигина эмас, авлод-аждодларигача ҳалоллади:

- Эртадан сен чап томонга ўтасан, гап тамом, - деди Валентин. - Ким бўлдинг мендан кўра уч марта кўп пул топиб. Мен сенга нонини туя қилдириб ўлтирадиганлардан эмасман.

Эртасига Валентин ўнгни, Темир сўл томонни эгаллади. Лекин шунда ҳам натижа Валентин кутгандек бўлмади. Темир бобонинг тушуми яна уникидан ошиб тушди. Бир ҳафта чидади, бу кўргуликка ва яна ўз ўрнини қайтариб олди. "Қадрдонлар" ўртасидаги жанжал энди "барматуха", озиқ-овқатга пул ажратишдан келиб чиқди.

- "Даромадга яраша буромад" деган гапни эшитгансан-а, Темир, - деди Валентин бироз юмшоқлик билан. —Топишинг меникидан кўп бўлгач, сен бундан буён вино, чойнинг харажатини учдан икки қисмини кўтарасан.

- Сен мендан кам еб-ичмагач, нега мен кўп тўлар эканман, - эътироз билдирди Темир.

- Ҳе, ҳали эътироз ҳам билдирадиларми. Айтганимга кўнмасанг онангни учқўрғондан кўрсатаман.

Ҳа, у айтганини қилди. Айтганига кўнмагач олдида сақлаб турган тошни ишга солиб роса аламини олди. Темир қонга бўялган куйлакларини шеригига "ҳадя қилиб" зўрға қочиб қутулди. Бунақа усулларни минг бор тажрибадан ўтказган Валентин ҳар эҳтимолга қарши жиноятнинг изини яшириш мақсадида Темирнинг қонга бўялган кийимларини ёқиб юборди.

Келишмовчилик, пул, жой талашиш сира тугамади. Уларнинг жиққа мушт бўлмаган куни бўлмади. "Темирнинг баҳридан ўтиш керак, бошқа илож йўқ" деган хулосага келди Валентин ва бунга алоҳида тайёргарлик кўриб режа тузди. "Тўхта, буни ҳиди чиқиб қолса нима бўлади" деб ўйлади ва "Чолнинг бирор жонкуяри бўлмаса, итни суриштиришлари мумкин, уни ким ҳам суриштирарди" деган хулосага келди.

2002 йил 1 октябрда узоқ вақтдан буён ўзини қийнаб келган масалага нуқта қўйди. Аввал тетиклик учун "барматуха"нинг бир йўла икки шишасини туширди. Сўнг ухлаб ётган Темирнинг устига шердек ташланди, бор кучи билан бўғди. Кейин жонсарак гавдани бетон ғишт бўлаги билан роса савалади. Ниҳоят жон таслим қилганига ишонч ҳосил этиб енгил нафас олди.

Валентин Тузиков ўйлагандек "қорлар ёғиб, из босилмади". Жиноятни излайдиган кишилар ҳам, ташкилот ҳам топилди. Қилмиши ошкор бўлди. У бу қилмиши учун 15 йил озодликдан маҳрум этилди.

Э.ҚУРБОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

● Маҳаллада тадбир

Тошкент шаҳри

ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ

Хумоюн, Югнакий ва Наврўз номли маҳаллалар Тошкент трактор заводи атрофида жойлашган.

Бу учала маҳалла аҳли кўпгина тадбирларни биргаликда, ҳамжиҳат ўтказадилар. Яқинда ана шундай тадбирларнинг яна бири бўлиб ўтди. «Пиру бадавлатларимиз-фахрийларимиз» мавзусидаги кечага ҳар учала маҳалладан нуроний қариялар, уруш ва меҳнат фахрийлари, шунингдек, тумандаги 256-, 142-, 210-, ва 279-мактаблар ўқувчилари ташриф буюрдилар.

Кечада бир неча авлод вакиллари ўзаро мулоқатда бўлдилар.

Кексалар ўз ҳаётий тажрибаларидан ёшларга ибратли ҳикоялар сўзладилар, ёшлар эса она диёр, тинчликни мадҳ этувчи қўшиқ ва шеърларни ижро этдилар.

Ш.АСРАНОВА.

«КАМАЛАК»КА БОЛАЛАР ИШТИЁҚ БИЛАН КЕЛАДИЛАР

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани Тансиқбоев мавзесидаги «Камалак» номли боғчага яқин атрофдаги бир нечта маҳаллаларнинг ширинтойлари кичкинтойлари қатнайдилар. Айтиш мумкинки, кўпчилик болажонларга хос бўлган одат - эрта тонгда «Боғчага бормайман» дея хархаша қилиш ушбу маскан тарбияланувчиларига ёт. Чунки боғчада болажонларни ўзига оҳанрабодек тортувчи қизиқарли мусиқа ва спорт машғулотлари ҳар куни олиб борилади.

Суратда: «Камалак» номли болалар боғчасида спорт машғулоти пайти.

Армоним қолмасди, онажон!

Ўтолов йилларим қайтганда эди,
Гуллар дил розини айтганда эди,
Тонглар саломнома айтганда эди,
Йиллар дераазамни чертганда эди,
Армоним қолмасди онажон.
Майсалар тилида уйғонса номим,
Лолақизғалдоққа бурканса томим,
Меҳр оловида исинса жоним,
Булутин тарқатса эди осмоним,
Армоним қолмасди, онажон.
Ёнингизга қушдек учиб бораолсам,
Нурдек юзингизни бир дам силолсам,
Сиз қандоқ суюсангиз шундоқ суюлсам,
Меҳрингизга меҳрла жавоб беролсам,
Армоним қолмасди онажон.

* * *

Хайрлашиб кетдик ўша кун,
Изларимда кўзларинг қолди,
Айтилмаган тотли интиқ кўз,
Дилгинамда хаёлинг қолди.

Хайрлашиб кетдик ўша кун,
Қандай етди юрак журъати.
Қорачиғим қорайди магзун,
Муҳаббатнинг дардчил суврати.

Фаридахон ҲУСАЙНОВА

ЯНГИСИДАН БОР

Қамоқхонадаги суҳбат:
—Нима учун ўтирибсан?
—Тумовлигим панд берди!
—Тушунмадим...?!
—Акса ургандим банк қоровули уйғониб кетди.

—Қаерда ишлайсиз?
—Почтада хатларни муҳрлайман.
— Бир хил нарсани қайтаравериб зерикмайсизми?
—Йўқ, ҳар куни числоси ўзгариб турадику!

Врач беморга:
—Мен айтгандек, ухлашдан олдин санадингизми?
—Ҳа, 7852гача санадим, дўхтиржон.
—Кейин ухлаб қолгандирсиз!
—Қаерда, тонг ёришиб қолди.

Эълон

Паркент бозори атрофида 7 сотихли, 7 хонали ҳовли жой сотилади. Барча қулайликлар, каналзация, гараж мавжуд. Таъмирланган. Тел.: 67-43-31.

БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ

А.Абдурахмонов номли Тошкент политехникуми томонидан Шагитова Лилия Салимовна номига 1998 йилда берилган 196452 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ.

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 9-лицей томонидан Хрюнина Татьяна Борисовна номига 1999 йилда берилган маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САЙДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таъноберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Саҳифаловчи: Аброр БЕРДИЕВ
Навбатчи: Мавлуда ҚОСИМОВА

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93,
Тел/Факс: — 133-44-25,
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

7540 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-474 Топширилди—